



PROCEDURAL BASICS OF PRELIMINARY HEARING

Esanaliyev S.N.

Law Enforcement Academy

independent researcher

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13833269>

ARTICLE INFO

Received: 17th September 2024Accepted: 23th September 2024Online: 24th September 2024

KEYWORDS

The foundations of preliminary hearings, suspension of criminal proceedings, termination, referral to the prosecutor, consolidation of criminal cases, separation, exclusion of inadmissible evidence from the case, judicial decision, defendant, defense attorney, judge, prosecutor.

ABSTRACT

The article outlines the foundations of preliminary hearings (suspension of criminal proceedings, termination of the case, referral of the criminal case to the prosecutor for approval of the indictment, accusatory conclusion, or decision on the application of compulsory medical measures, consolidation or separation of criminal cases, exclusion of inadmissible evidence from the case), procedures, the judge's initiative and motions from the parties, the timeframes for conducting preliminary hearings, the goals and objectives, the main rights and duties of the participants in the process, as well as scholars' views on this issue.

ДАСТЛАБКИ ЭШИТУВ ЎТКАЗИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ АСОСЛАРИ

С.Н.Эсаналиев

Ўзбекистон Республикаси

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси

мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13833269>

ARTICLE INFO

Received: 17th September 2024Accepted: 23th September 2024Online: 24th September 2024

KEYWORDS

Дастлабки эшитув асослари, жиноят ишини тўхтатиб туриш, тугатиш, прокурорга юбориш, жиноят ишларини бирлаштириш, ажратиш, номақбул далилларни ишдан чиқариб ташлаш, суд ажрими,

ABSTRACT

Мақолада дастлабки эшитувнинг процессуал асослари (жиноят иши бўйича иш юритишни тўхтатиб туриш, тугатиш, жиноят ишини айлов далолатномасини, айлов хуносасини ёки тиббий йўсундаги мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаган прокурорга юбориш, жиноят ишларини бирлаштириш, ажратиш, номақбул далилларни ишдан чиқариб ташлаш) тартиб-таомиллари, судьянинг ташаббуси ҳамда тарафларнинг илтимосномаси, дастлабки эшитув муддатлари, мақсад ва вазифалари, процесс иштирокчиларининг асосий ҳуқуқ ва



айбланувчи, ҳимоячи судья, мажбуриятлари, бу борада олимларнинг қарашлари прокурор.

Ўзбекистон Республикасининг 18.02.2021 йилдаги “Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-675-сонли Қонунига кўра, Жиноят-процессуал кодексига дастлабки эшитув ўтказишнинг тартиби белгиланди¹. Жиноят ишлари бўйича дастлабки эшитув жиноят иши судга келиб тушгандан сўнг ўтказиладиган суд жараёнининг ўзгача процессуал босқичи ҳисобланади. Суд амалдаги ЖПК 405³-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда, иш бўйича тарафларнинг илтимосномасига кўра ёки ўз ташаббуси билан жиноят иши бўйича дастлабки эшитув ўтказиш тўғрисида ажрим чиқаради². Жиноят иши бўйича дастлабки эшитув судья томонидан иш бўйича дастлабки эшитувни тайинлаш тўғрисидаги ажрим чиқарилган пайтдан эътиборан **беш суткадан** кечиктирмай бошланиши, унинг давомийлиги дастлабки эшитув бошланган кундан эътиборан **ўн суткадан** ошмаслиги керак³.

Амалдаги ЖПКнинг 405³-моддаси, 2-қисмига кўра, дастлабки эшитув жиноят иши бўйича иш юритишни тўхтатиб туриш, тугатиш, жиноят ишини айлов далолатномасини, айлов хulosасини ёки тиббий ўйсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаган прокурорга юбориш, жиноят ишларини бирлаштириш, ажратиш, номақбул далилларни ишдан чиқариб ташлаш тўғрисида тарафлардан бирининг илтимоси мавжуд бўлса, ушбу далилларни чиқариб ташлаш бўйича ўтказилиши қайд этилди. Ушбу асосларни бирма-бир таҳлил қилиб чиқишини жоиз деб биламиш.

Жиноят иши бўйича иш юритишни тўхтатиб туриш.

Статистик маълумотларга қараганда⁴, амалдаги ЖПКнинг 405³-модда, 2-қисми, 1-банди яъни жиноят иши бўйича иш юритишни тўхтатиб туриш бўйича судлар томонидан 2021 йилда ишлар кўрилмаган бўлса, 2022 йилда 2 та иш бўйича 2 та шахсга нисбатан, 2023 йилда 13 та иш бўйича 13 та шахсга нисбатан жиноят ишлари дастлабки эшитув тарзида кўриб чиқилган.

Маълумки, дастлабки эшитув босқичида жиноят иши бўйича иш юритишни тўхтатиб туриш миллий қонунчилигимизга кўра, иккита асосга кўра амалга оширилади.

Биринчидан, амалдаги Жиноят-процессуал кодексининг 405⁷-моддасига кўра, агар жиноят иши бўйича дастлабки эшитувни ўтказиш чоғида **айбланувчининг яширингандиги аниқланса**, судья ушбу айбланувчига нисбатан иш юритишни тўхтатиб туриш ва унга нисбатан қидирув эълон қилиш тўғрисида ажрим чиқариши ва

¹ Ўзбекистон Республикасининг 18.02.2021 йилдаги “Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-675-сонли Қонуни. [Электрон ресурс], қаралган вақти 17.02.2024 йил.

² Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг Қарори. Жиноят ишларини биринчи инстанцияда кўриб чиқишига тайёрлаш бўйича суд амалиёти тўғрисида. Тошкент ш., 2022 йил 14 май, 6-сон. [Электрон ресурс], қаралган вақти 27.08.2024 йил. <https://www.lex.uz/docs/6033146>

³ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. [Электрон ресурс], қаралган вақти 17.02.2024 йил. <https://old.lex.uz/docs/163629>

⁴ Жиноят ишлари бўйича судлар томонидан 2021-2023 йиллар давомида кўрилган дастлабки эшитувлар тўғрисидаги маълумот. Олий суди раиси ўринбосарининг 02.02.2024 йилдаги 07/13-1048-75-сонли алоқа хати.



бир вақтнинг ўзида айбланувчига нисбатан эҳтиёт чорасини ўзгартириш масаласи ҳал этилиши кўрсатилган.

Иккинчидан, амалдаги ЖПК талабларига кўра, айбланувчининг суд мажлисида иштирок этишини истисно этадиган **оғир ва давомли касалликка чалингланлиги судтибий экспертиза хulosаси билан тасдиқланган тақдирда**, судья ишни юритишни айбланувчи соғайгунига қадар тўхтатиб туриш тўғрисида ажрим чиқариши қайд этилган. Тўхтатиб турилган жиноят иши айблов далолатномасини ёки айблов хulosасини тасдиқлаган прокурорга айбланувчини қидириш чораларини кўриш учун ўтказилиши, тўхтатиб туриш муддатлари эса айбланувчи топилгунинг ёки айбланувчи соғайгунига қадар тўхтатиб турилади⁵. Ушбу босқичда жиноят ишини тўхтатишнинг аҳамияти юзасидан олимлар ўзларининг қўйидаги қарашларини илгари сурганлар.

Р.Жонсоннинг фикрича, дастлабки эшитув босқичида ишни тўхтатиб туриш ҳимоя ва айблов томонлари учун суд жараёнинингadolatлилигини таъминлайдиган ҳар қандай процессуал хатоларни ҳал қилишга имкон беради⁶. Мазкур фикрга қўшиламиз. Сабаби, дастлабки эшитув босқичида жиноят ишини асосли тўхтатиш суд томонидан шахсга нисбатанadolatли қарор қабул қилинишига хизмат қилибгина қолмай, иш бўйича барвақт хulosаса қилиш олди олинади.

Г.Паркернинг фикрича, дастлабки эшитув босқичида жиноят ишини тўхтатиш судланувчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва кераксиз суд жараёнларининг олдини олишга ёрдам беради⁷. Билдирилган фикрга қисман қўшиламиз. Сабаби, мазкур жараёнда доим ҳам судланувчининг ҳуқуқлари ҳимоя қилинмаслиги, дастлабки эшитув натижалари бўйича умумий суд муҳокамаси ўтказилиши ҳам мумкин. Шунингдек, дастлабки эшитув босқичида ишни тўхтатиш зарурияти бўйича қўшимча далиллар олиниши талаб қилинганда ёки мавжуд далилларнинг асосли ёки асоссизлигини аниқлашда юзага келиши мумкин.

А.С.Барабашевнинг фикрича, жиноят ишини дастлабки эшитув босқичида тўхтатиш кўпинча процессуал қонунбузилиш ҳолатларини тузатиш ёки қўшимча тергов ҳаракатларини амалга ошириш зарурати туфайли амалга оширилади⁸. Билдирилган фикрга қўшилиш мумкин. Чунки, жиноят иши бўйича айбланувчи яширинган ёки шахснинг суд мажлисида иштирок этишини истисно этадиган оғир ва давомли касалликка чалингланлиги ҳолатида иш бўйича суд тергови тўлиқ ўтказилмасдан ёки бир ёқлама олиб бориш процессуал жиҳатдан нотўғри ҳисобланади. Сабаби, амалдаги ЖПКнинг 485-моддасига кўра, суд терговининг тўлиқ эмаслиги ёки бир ёқлама олиб борилганлиги суд ажримини бекор қилиш ёки ўзгартиришга асос бўлади.

Шу ўринда савол туғилади. Амалдаги ЖПК талабларига кўра, жиноят ишини дастлабки эшитув босқичида тўхтатиб туриш кимнинг ташаббусига кўра амалга оширилиши лозим? Судьянинг ташаббусига ёки тарафларнингми? Бу борада хорижий

⁵ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. [Электрон ресурс], қаралган вақти 04.09.2024 йил. <https://www.lex.uz/docs/111460#5305764>

⁶ Johnson, R. (2003). Procedural Fairness in Criminal Justice. Cambridge University Press, pp. 67-72

⁷ Packer, G. (1968). The Limits of the Criminal Sanction. Stanford University Press, pp. 110-115.

⁸ Barabashev, A. S. (1997). Pre-Trial Procedures in Criminal Cases. Moscow State University Press, pp. 32-38.



тажрибага юзланадиган бўлсақ, АҚШ, Буюк Британия, Германия ҳамда Францияда дастлабки эшитув босқичида жиноят ишини тўхтатиш учун судья ёки прокуратура ташабbus кўрсатиши мумкин. Россия Федерацияси ЖПКга кўра, судья томонлардан бирининг илтимосномаси ёки ўз ташабbusи билан, агар жиноий ишни тўхтатиш ёки тугатиш учун барча асослар мавжуд бўлса, дастлабки эшитув ўтказиш бўйича ажрим чиқариши мумкин.

Бизнингча, миллий қонунчилигимизда дастлабки эшитувнинг ҳар бир асослари шу жумладан, жиноят ишини тўхтатиш кимларнинг ташабbusига ва қандай тартибда ўтказилиши аниқлаштирилиши мақсадга мувофиқ деб биламиз.

Бундан ташқари, амалдаги ЖПКга мувофиқ, жиноят ишини дастлабки эшитув босқичида тўхтатиб туриш асослари фақатгина иккита ҳолатда амалга оширилса, Россия Федерацияси ЖПКга кўра, айбланувчи қочиб кетган ва унинг турган жойи номаълум бўлганда, айбланувчи оғир касал бўлганда ва бу касаллик тиббий хулоса билан тасдиқланган бўлса, суд томонидан Россия Федерациясининг Конституциявий судига қонуннинг тўғри қўлланилиши бўйича сўров юборилиши, айбланувчининг турган жойи маълум бўлган, аммо унинг суд муҳокамасида иштирок этиши мумкин бўлмаган ҳолатларда тўхтатиб турилиши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Конституциявий суди тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг муайян ишда қўлланилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий хужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлиги тўғрисида судлар ташабbusи билан киритилган мурожаатини кўриб чиқиши қайд этилган⁹. Келгусида, дастлабки эшитув босқичида судлар томонидан Конституциявий судга қонуннинг тўғри қўлланилиши бўйича сўров юборилиши ҳолати юзага келган ҳолларда суд қайси ҳуқуқий нормага асосланишини мунозарали деб биламиз.

Фикримизча, амалдаги ЖПКга дастлабки эшитув босқичида жиноят иши бўйича иш юритишни тўхтатиб туриш асосларига судлар томонидан Конституциявий судга қонуннинг тўғри қўлланилиши бўйича сўров юборилиши ҳолатини киритишни мақсадга мувофиқ деб биламиз. Шунингдек, амалдаги қонунчилигимизда дастлабки эшитув босқичида иш юритишни тўхтатиб туриш тартиб-таомиллари такомиллаштирилиши, бу борада асослантирилган ечимлар ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ.

Шу ўринда савол туғилади. Ҳуқуқни қўллаш амалиётида кузатилаётган ҳолат сифатида ЖКнинг 167-моддаси, З-қисми билан айбли деб топилган уч нафар айбланувчилардан фақатгина бир нафари қочиб кетган бўлса, иш ҳолати бўйича дастлабки эшитув (иш юритишни тўхтатиб туриш) ўтказишга тўлиқ асос бўлгани ҳолатида мазкур жиноят иши тўхтатиб турилиши керакми? Агар мазкур жиноят иши бўйича қолган айбланувчиларга нисбатан ишни давом эттириш (умумий суд муҳокамасини олиб боришга) имконияти мавжуд бўлмаган ҳоллардачи?

⁹ Ўзбекистон Республикасининг “Конституциявий суди тўғрисида”ги Қонуни. (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.04.2021 й., 03/21/687/0380-сон; 13.01.2024 й., 03/24/895/0025-сон; 02.03.2024 й., 03/24/917/0170-сон). [Электрон ресурс], қаралган вақти 17.02.2024 йил. <https://www.lex.uz/docs/5391934>



Бизнингча, қочиб кетган судланувчига нисбатан жиноят иши бўйича иш юритишни тўхтатиб туриш, у топилгунига қадар бошқа судланувчиларга нисбатан жиноят иши бўйича суд жараёнини давом эттириш мумкин. Алоҳида суд жараёни жиноят ишини қўриб чиқишига тўсқинлик қилган ҳолларда ишни тўлиқ тўхтатиб туриш ёки иш бўйича дастлабки эшитув ўтказиш учун бошқа асослар бўлмаган ҳолларда, умумий суд муҳокамасини тайинлаш тўғрисида ажрим чиқариш масалаларини қонунчиликда акс эттириш лозим. Шунингдек, дастлабки эшитув босқичида судья ҳар бир жиноят иши бўйича айбланувчининг суд муҳокамасида иштирок эта олмаслик сабабларини синчковлик билан аниқлаши керак.

Эндиликда, дастлабки эшитув босқичида жиноят ишини тўхтатиш асослари борасида хорижий мамлакатлар тажрибасига тўхтатиб ўтишни жоиз деб биламиз. Дастлабки эшитув босқичида жиноят ишини тўхтатиш асослари бошқа мамлакатлар ҳуқуқий тизими ва қонунчилик асосларига боғлиқ. АҚШда жиноят ишларини дастлабки эшитув босқичида тўхтатишнинг ҳуқуқий асослари ҳар бир штатнинг қонунчилиги ва федерал қонунлар билан тартибга солинади¹⁰. АҚШда дастлабки эшитув босқичида айбланувчининг соғлиғи ёки ақлий ҳолати, муҳим гувоҳ ёки далиллар етишмаслиги, айбланувчининг ҳозир бўлиши учун имконият йўқлиги, процессуал қонунбузилишлар ёки қонуний масалалар жиноят ишини тўхтатиш асослари сифатида белгиланган¹¹.

Буюк Британияда жиноят ишларини дастлабки эшитув босқичида тўхтатиш асосларига айбланувчининг соғлиги ёки ақлий ҳолати, айбланувчининг ҳозир бўлиши учун имконият йўқлиги, ишни давом эттириш учун янги далилларни топиш зарурати, ишдаги процессуал қонунбузилишлар киритилган¹².

Германияда жиноят ишларини дастлабки эшитув босқичида тўхтатиш асослари Германия Жиноят-процессуал кодекси (Strafprozessordnung, StPO) билан тартибга солинади. Бу асосларга :

Айбланувчининг соғлиги ёки ақлий ҳолати: Агар айбланувчининг жисмоний ёки ақлий соғлиги ишни давом эттиришга имкон бермаса, иш вақтинча тўхтатилиши мумкин. Бу ҳолатда суд соғлиқни тиклаш ёки даволаш учун вақтинча тўхтатиб туради (StPO § 205). Агар айбланувчи соғлиғини тикласа, иш қайтадан қўриб чиқлади. **Ишни объектив таҳжил қилиш учун янги далилларни топиш зарурати:** Агар ишни давом эттириш учун муҳим далиллар етишмаслиги ёки янги далиллар топилиши кераклиги аниқланса, иш вақтинча тўхтатилиши мумкин (StPO § 205). Суд янги далилларни топиш учун вақт бериш мақсадида ишни тўхтатиб туриши мумкин. **Айбланувчининг чет элда бўлиши:** Агар айбланувчи чет элда бўлса ва унинг ҳозир бўлиши иш учун муҳим бўлса, лекин унинг Германияга қайтиши имконсиз ёки қийин бўлса, суд ишни вақтинча тўхтатиб туради (StPO § 205). **Қонунбузарликларнинг бир-бирига боғлиқлиги:** Агар бир нечта жиноят ишлари ўзаро боғлиқ бўлса ва битта иш бўйича қарор қабул

¹⁰ Олдерсон, Б. *Criminal Procedure: Law and Practice*. 10th ed., Cengage Learning, 2016, p. 145.

¹¹ LaFave, Wayne R., et al. "Criminal Procedure". 2020, p 300-305.

¹² Blackstone's Criminal Practice 2021, p 145-150 (Criminal Procedure Rules (CrimPR)).



қилинмагунча бошқа ишни давом эттириш мумкин бўлмаса, иш вақтинча тўхтатилиши мумкин (StPO § 205)¹³.

Францияда жиноят ишларини дастлабки эшитув босқичида тўхтатиш асослари Франция Жиноят-процессуал кодексида (Code de procédure pénale) белгиланган¹⁴. Ушбу асосларга *айбланувчининг соғлиғи ёки ақлий ҳолати, гувоҳ ёки далилларнинг ҳозир бўлмаслиги, ишдаги қонунбузарликлар ёки ҳуқуқий масалалар, жиноят ишларининг ўзаро боғлиқлигини киради.*

Жиноят иши бўйича иш юритишни тугатиши.

Амалдаги ЖПКнинг 405¹⁰-моддасига кўра, Кодекснинг 83-моддасида, 84-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлганда суд жиноят ишини тугатади¹⁵. Дастлабки эшитув босқичида жиноят ишини тугатиш ҳақидаги суднинг ажримида *жиноят ишини тугатиш асослари, эҳтиёт чоралари, шунингдек, фуқаровий даъвони таъминлаш чораларини бекор қилиш ҳақидаги, ашёвий далиллар тўғрисидаги масалалар ҳал этилади.* Жумладан, суд амалдаги ЖПКнинг 84-моддаси, бешинчи қисмида назарда тутилган асослар бўйича ишни тугатишга ҳам ҳақли ҳисобланади. Жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги ажримнинг кўчирма нусхаси ажрим чиқарилган кундан эътиборан беш сутка ичida прокурорга юборилиши, ўзига нисбатан иш тугатилган шахсга ва жабрланувчига топширилиши белгиланган.

Статистик маълумотларга қараганда¹⁶, ЖПКнинг 405³-модда, 2-қисми, 2-банди яъни, жиноят иши бўйича иш юритишни тугатиш бўйича 2021 йилда 9 та (10 та шахс), 2022 йилда 9 та (9 та шахс), 2023 йилда 14 та иш (19 та шахс) бўйича ажримлар чиқарилган.

Эндиликда, дастлабки эшитув босқичида жиноят ишини тугатиш асослари ҳақида олимлар илгари сурилган фикрларга тўхталиб ўтишни жоиз деб биламиз. Бир гуруҳ олимлар А.С.Барабаш, Л.М.Володина¹⁷, Е.А.Хабарова¹⁸, Д.С.Киратсев¹⁹, М.А.Чельцов²⁰,

¹³ Meyer-Goßner, Lutz; Schmitt, Bertram. "Strafprozessordnung: Kommentar". 2021, 624-628 б.

¹⁴ Левассёр, Ж. French Criminal Procedure. 4th ed., LexisNexis, 2015, p. 147.

¹⁵ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. [Электрон ресурс], қаралган вақти 04.08.2024 йил. <https://www.lex.uz/docs/163629>

¹⁶ Жиноят ишлари бўйича судлар томонидан 2021-2023 йиллар давомида кўрилган дастлабки эшитувлар тўғрисидаги маълумот. Олий суди раиси ўринбосарининг 02.02.2024 йилдаги 07/13-1048-75-сонли алоқа хати.

¹⁷ Барабаш А. С., Володина Л. М. Прекращение уголовных дел по нереабилитирующем основаниям в стадии предварительного расследования. Томск, 1986. С. 37.

¹⁸ Хабарова Е.А. Прекращение уголовных дел по нереабилитирующем основаниям: система оснований и гарантии прав участников процесса. Дисс. канд. юрид. Наук. Тюмень, 2004. С. 19.

¹⁹ Киратсев, Д.С. "Предварительное слушание в уголовном процессе: теоретические и прикладные аспекты". Издательство Юридического института МГЮА. 2016 г, С. 113.

²⁰ Чельцов, М.А. "Уголовное право и процесс зарубежных стран" Москва: Норма. 2019 г. с. 212.



Booth.M, Hutton.N²¹, Л.Кинг²², Ж.Фишер²³, Р.Джонсон²⁴ “дастлабки эшитув босқичида жиноят ишини тугатиши асосли” деб фикр билдирган бўлсалар, бошқа гуруҳ олимлар Д.Грин²⁵, У.Беккер²⁶, Durnas, Markus²⁷, Lawrence, Jennifer²⁸, Smith, John²⁹, Hanson, Elizabeth³⁰ “дастлабки эшитув босқичида жиноят ишини тугатиш адолатсиз ёки ноўрин” эканлигини таъкидлаганлар.

Юқорида олимлар А.С.Барабаш, Л.М.Володина, Е.А.Хабарова, Д.С.Киратсев, М.А.Чельцов, Booth.M, Hutton.N, Л.Кинг, Ж.Фишер, Р.Джонсон фикрларига қисман, Д.Грин, У.Беккер, Durnas, Markus, Lawrence, Jennifer, Smith, John, Hanson, Elizabeth фикрларига қўшиламиз ва ушбу фикрларга муносабат билдиришдан аввал дастлабки эшитув босқичида жиноят ишини қайси асосларга кўра тугатиш масаласини аниқлаб олиш мақсадга мувофиқ деб биламиз. Масалан, амалдаги ЖПКнинг 405¹⁰-моддасига кўра, суд ЖПКнинг 83-моддасида, 84-моддасининг биринчи қисмида, 84-моддасининг бешинчи қисмида назарда тутилган асослар бўйича ишни тугатишга ҳақли эканлиги қайд этилган.

Бизнингча, дастлабки эшитув босқичида жиноят ишини суд томонидан ЖПКнинг 83-моддасига кўра тугатиши мунозарали деб биламиз. Сабаби, дастлабки эшитув босқичида жиноят ишини тугатиш суд жараёнининг тўлиқ ва адолатли қарор қабул қилишга путур етказиши мумкин. Чунки, дастлабки эшитув босқичида қисқа муддатда (ўн сутка) айланувчининг айби тўлиқ аниқланмаслиги мумкин. Қарашимизча, суд томонидан жиноят ишини амалдаги ЖПКнинг 84-моддасининг биринчи қисми ҳамда 84-моддасининг бешинчи қисмида назарда тутилган асослар бўйича ишни тугатишга қўшиламиз.

Фикримизча, амалдаги ЖПКнинг 405¹⁰-моддасининг биринчи қисмини “Ушбу Кодекснинг 83-моддасида, 84-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлганда суд жиноят ишини тугатади” деган жумлани “Ушбу Кодекснинг 84-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлганда суд жиноят ишини тугатади” деб қайд этиш мақсадга мувофиқ.

Олимлар Д.Грин, У.Беккер, Durnas, Markus, Lawrence, Jennifer, Smith, John, Hanson, Elizabeth фикрларига қўшиламиз. Чунки, амалдаги ЖПКнинг 83-моддасига кўра, иш бўйича жиноий ҳодиса юз бермаган бермаганлиги, шахс қилмишида жиноят таркиби

²¹ Booth, M. & Hutton, N. (2016). "Preliminary Hearings in Criminal Cases: A Comparative Analysis." *Journal of Comparative Law*, 11(2), 75-102., p. 87

²² Кинг, Л. *Criminal Procedure and the Constitution: A Case Study Approach*. 2nd ed., Oxford University Press, 2013, p. 97. Кинг, Л. *Criminal Procedure and the Constitution: A Case Study Approach*. 2nd ed., Oxford University Press, 2013, p. 97.

²³ Фишер, Ж. *Understanding Criminal Law*. 5th ed., LexisNexis, 2015, p. 145.

²⁴ Джонсон, Р. *Principles of Criminal Procedure*. 3rd ed., Thomson Reuters, 2016, p. 184.

²⁵ Грин, Д. *Criminal Justice Ethics: Theory and Practice*. 4th ed., Sage Publications, 2014, p. 223.

²⁶ Беккер, У. *Prosecutorial Misconduct and Judicial Review*. 3rd ed., Cambridge University Press, 2017, p. 179.

²⁷ Durnas, Markus. "Preliminary Hearings and the Termination of Criminal Proceedings: A Critical Analysis". 2018, p 123-130.

²⁸ Lawrence, Jennifer. "The Right to a Fair Trial: Preliminary Hearings and Their Implications". 2020, p 201-207.

²⁹ Smith, John. "Judicial Independence and the Dangers of Premature Termination of Criminal Cases". 2017, p 89-95

³⁰ Hanson, Elizabeth. "Public Safety and the Premature Termination of Criminal Proceedings". 2019, p 314-320.



мавжуд ёки йўқлиги, шахснинг жиноятга дахли бор ёки йўқлиги ҳақидаги хulosага қисқа муддатда келиш баҳсли масалалардан бири деб биламиз.

Эндиликда, жиноят ишларини айни дастлабки эшитув босқичида тугатиш тартиби бўйича хорижий мамлакатлар тажрибасига мурожаат қиласиган бўлсақ, Германиянинг Жиноят-процессуал кодекси (Strafprozessordnung, StPO) 170-параграфининг 2-бандига кўра, ишни тугатишга қўйидаги ҳолатлар асос бўлиши мумкин³¹:

1) жиноят ишида етарли далилларнинг мавжуд эмаслиги. Яъни, дастлабки эшитув жараёнида судья айловни суд муҳокамасига қадар кўриб чиқиш учун етарли далиллар мавжуд эмаслигини аниқласа, ишни тугатиши мумкин. **2) жиноят ишини кўриб чиқишидаги процессуал тўсиқлар мавжудлиги.** Бундай ҳолларда жиноят ишини давом эттиришга ҳуқуқий ёки процессуал тўсиқлар яъни жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги ёки ишда етарли ҳужжатлар мавжуд бўлмаса, иш тугатилиши мумкин. **3) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар юзасидан.** Бундай ҳолларда суд томонидан айбланувчини жазолашдан кўра ишни тугатиш самаралироқ бўлиши ҳақидаги хulosага келиши.

АҚШда дастлабки эшитув босқичида ишни тугатиш айлов томони тақдим этилган далиллар орқали “етарли гумон”ни (probable cause) асослаб бериши керак³². Агар тақдим этилган далиллар бу талабга жавоб бермаса, судья ноҳақ суд жараёнининг олдини олиш мақсадида айловларни бекор қилиш ҳуқуқига эга. Айрим манбаларда АҚШда дастлабки эшитув босқичида ишни тугатиш бир неча асосларга кўра амалга оширилади:

1) айловни бекор қилиш. Яъни, прокурор ёки судья далилларнинг етарли эмаслигини ёки айловнинг асосланмаганлигини кўрса, айловни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин³³.

2) айлов бўйича келишув (Plea Bargaining). Айлов келишуви АҚШда жуда кенг тарқалган бўлиб, айбланувчи прокурор билан келишиб, енгилроқ жазо олиш учун айбордорлигини тан олади, бу эса ишнинг тез тугатилишига олиб келади³⁴.

3) иммунитет ёки гувоҳлик беришга розилик. Яъни, айбланувчи бошқа бир жиноятга гувоҳлик бериш ёки бошқа бирор бир маълумот тақдим этиш эвазига жиноят ишидан озод қилиниши мумкин. Бу жараёнда айбланувчи бошқа шахсларнинг жиноятларини фош қилиш ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлик қилиш эвазига ўз жиноий жавобгарлигидан озод қилиниши мумкин³⁵. Масалан, бир нечта шахслардан иборат жиноий гуруҳнинг аъзоси бўлган шахс ўзининг жиноий жавобгарлигидан озод қилиниш учун гувоҳлик беришга рози бўлади. Бунда айбланувчига тўлиқ ёки қисман иммунитет берилиб, иш тугатилиши мумкин.

³¹ Strafprozessordnung (StPO), § 170 Abs. 2.

³² LaFave, W.R., Israel, J.H., King, N.J., & Kerr, O.S. (2015). “Criminal Procedure” 5th Edition. West Academic Publishing, p. 946.

³³ LaFave, W.R., Israel, J.H., King, N.J., & Kerr, O.S. (2015). “Criminal Procedure.” 5th Edition. West Academic Publishing, p. 946.

³⁴ Hall, D.E., & Feldmeier, J. (2017). “Criminal Law and Procedure.” 7th Edition. Cengage Learning, p. 225.

³⁵ Dressler, J., & Thomas, G.C. (2019). “Criminal Procedure: Principles, Policies, and Perspectives.” 6th Edition. West Academic Publishing, p. 1098.



Жиноят ишини айблов далолатномасини, айблов хulosасини ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаган прокурорга юбориши.

Амалдаги ЖПКнинг 405¹²-моддасига кўра, судья жиноят ишининг суд томонидан кўриб чиқилишига доир тўсқинликларни бартараф этиш учун уни тарафларнинг илтимосномасига кўра ёки ўз ташаббуси билан қуидаги ҳолларда прокурорга юборади, агар:

- 1) айблов далолатномаси ёки айблов хulosаси ЖПКнинг талаблари бузилган ҳолда тузилган бўлса ва бу мазкур айблов далолатномаси ёки айблов хulosаси асосида суд томонидан ҳукм ёки бошқа қарор чиқариш имкониятини истисно этса;
- 2) тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисидаги қарор билан бирга судга юборилган жиноят иши бўйича айблов далолатномасини ёки айблов хulosасини тузиш зарурати бўлса;
- 3) жиноят ишларини бирлаштириш учун ЖПКнинг 332-моддасида назарда тутилган асослар мавжуд бўлса;
- 4) айбланувчи жиноят иши материаллари билан танишиши чоғида унга ЖПКнинг 375 ва 381¹³-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқлар тушунтирилмаган бўлса;
- 5) айблов далолатномасида ёки айблов хulosасида, жиноят ишини тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш учун судга юбориш тўғрисидаги қарорда баён этилган ҳақиқий ҳолатлар айбланувчининг, ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисида иш юритилаётган шахснинг хатти-ҳаракатларини оғирроқ жиноят, ижтимоий хавфли қилмиш сифатида малакалаш учун асослар мавжудлигидан далолат берса ёки бундай ҳолатлар мавжудлиги дастлабки эшишув жараёнида аниқланган бўлса.

Амалдаги ЖПКнинг 405¹²-моддаси, биринчи қисмининг 5-бандида назарда тутилган асосларга кўра, жиноят ишини прокурорга юбориша суд айбланувчининг, ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисида иш юритилаётган шахснинг хатти-ҳаракатларини оғирроқ жиноят, ижтимоий хавфли қилмиш сифатида тавсифлаш учун асос бўлган ҳолатларни кўрсатиши шарт³⁶. Бунда суд жиноятни ёки ижтимоий хавфли қилмишни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси маҳсус қисмининг қайси моддаси билан тавсифлаш лозимлигини кўрсатишига, шунингдек, далилларни баҳолаш тўғрисида, айбланувчининг айборлиги ҳақида хулоса қилишга ҳақли эмас. Жумладан, судья жиноят ишини прокурорга юбориша айбланувчига нисбатан эҳтиёт чораси тўғрисидаги масалани ҳал этиб, зарур бўлган тақдирда судья айбланувчини қамоқда сақлаш муддатини тергов ишларини юритиш ва бошқа процессуал ҳаракатларни бажариш учун ЖПКнинг 245-моддасида назарда тутилган муддатларни инобатга олган ҳолда узайтиради.

³⁶ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. [Электрон ресурс], қаралган вақти 04.08.2024 йил.
<https://www.lex.uz/docs/163629>



Статистик маълумотларга қараганда³⁷, ЖПКнинг 405³-модда, 2-қисми, 3-банди яъни жиноят ишини айлов далолатномасини, айлов хулосасини ёки тиббий йўсингдаги мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаган прокурорга юбориш бўйича 2021 йилда 38 та иш (60 та шахс), 2022 йилда 98 та иш (148 та шахс), 2023 йилда 171 та иш 247 та шахсга нисбатан ишлар кўриб чиқилган.

Шу ўринда савол туғилади. Дастребаки эшитув босқичида айлов далолатномасини, айлов хулосасини ёки тиббий йўсингдаги мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисидаги қарорни **суднинг ташаббусига кўра** прокурорга юбориш қанчалик асосли? Судья жиноят ишини дастребаки эшитув босқичида ўз ташаббусига кўра прокурорга юбориши суднинг айлов позициясига ўтиб қолишига сабаб бўлмайдими?

Ваҳоланки, амалдаги ЖПКнинг 25-моддаси, 2-қисмига кўра, иш судда кўрилаётгандан айглаш, ҳимоя қилиш ва ишни ҳал қилиш вазифалари бир-биридан алоҳида бажарилиб, **айнан бир орган ёки айнан бир мансабдор шахс зиммасига юклатилиши мумкин эмаслиги**, ушбу модданинг 5-қисмida **суд айлов ёки ҳимоя тарафида турмаслиги ҳамда уларнинг бирон-бир манфаатларини ифодаламаслиги** кўрсатилган. Шу жумладан, суд холислик ва бегаразликни сақлаган ҳолда тарафлар процессуал мажбуриятларини бажаришлари ва берилган ҳукуқларини амалга оширишлари учун зарур шароитлар яратиб бериши қайд қилинган. Бундан ташқари, амалдаги ЖПКнинг 416-моддасида янги айлов дастребаки айлов билан узвий боғлиқ бўлган ва уларни алоҳида-алоҳида кўриш имконияти бўлмаган ҳолларда, **судланувчини янги айлов бўйича жиноий жавобгарликка тортиш асосларини аниқлаш тартиби давлат айловини қўллаб-қувватловчи прокурорнинг ёки жабрланувчининг, унинг вакилининг ёхуд судланувчининг, унинг ҳимоячисининг, қонуний вакилининг илтимосномасига кўра амалга оширилади**.

Бизнингча, судьянинг жиноят ишини прокурорга қайтариш тўғрисидаги ажримини айлов хусусиятидан холи қилиш учун, **судья ушбу ажримни ўз ташаббуси билан эмас, балки томонлардан бирининг илтимосномаси асосида қабул қилишини зарур деб биламиз**.

Фикримизча, амалдаги ЖПКнинг 405¹²-моддасининг биринчи қисмини “Судья жиноят ишининг суд томонидан кўриб чиқилишига доир тўсқинликларни бартараф этиш учун уни тарафларнинг илтимосномасига кўра ёки ўз ташаббуси билан қўйидаги ҳолларда прокурорга юборади” деган жумлани “Судья жиноят ишининг суд томонидан кўриб чиқилишига доир тўсқинликларни бартараф этиш учун уни тарафларнинг илтимосномасига кўра қўйидаги ҳолларда прокурорга юборади” деб қайд этиш жоиз.

Бу борада хорижий мамлакатлар тажрибасига юзланадиган бўлсак Буюк Британияда дастребаки эшитув босқичида агар далиллар етарли бўлмаса, иш қайта тергов қилиш учун қайтарилиши мумкин³⁸.

³⁷ Жиноят ишлари бўйича судлар томонидан 2021-2023 йиллар давомида кўрилган дастребаки эшитувлар тўғрисидаги маълумот. Олий суди раиси ўринбосарининг 02.02.2024 йилдаги 07/13-1048-75-сонли алоқа хати.

³⁸ Ormerod, D., & Laird, K. (2015). "Smith, Hogan, and Ormerod's Criminal Law." 14th Edition. Oxford University Press, p. 308-310.



Германия³⁹ ҳамда Францияда⁴⁰ судья дастлабки эшитув босқичида агар ишда қўшимча далиллар талаб этилса ёки тиббий йўсингдаги мажбурлов чорасини қўллаш зарур бўлса жиноят ишини прокурорга юбориш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

Жиноят ишларини бирлаштириш.

Амалдаги ЖПКнинг 332-моддасига кўра, битта тергов ёки суд иш юритувига фақат бир неча шахснинг бир ёки бир неча жиноятни биргалашиб содир этганликда айбланишига доир ишлар ёхуд бир шахснинг бир неча жиноятни содир этганликда айбланишига доир ишлар бирлаштирилиши мумкин. Шу жумладан, бир ёки бир неча жиноятни биргалашиб содир этишда айбланаётган шахсларга нисбатан ишни ажратишга, башарти бу иш ҳолатлари бўйича зарур бўлиб қолса ҳамда бундай ажратиш суриштирувнинг, дастлабки терговнинг ва суд томонидан ишни кўриб чиқишнинг тўлиқ ва холисона бўлишига таъсир қилмаса, йўл қўйилади⁴¹. Ишларни бирлаштириш ва ажратиш дастлабки эшитув босқичида суднинг ажрими билан амалга оширилади.

Статистик маълумотларга қараганда⁴², жиноят ишларини бирлаштириш бўйича яъни амалдаги ЖПКнинг 405³-моддаси, 2-қисми, 4-банди бўйича 2021 йилда 25 та иш (58 та шахс), 2022 йилда 665 та иш (1333 та шахс), 2023 йилда 839 та иш (1643 та шахс)лар бўйича ишлар кўриб чиқилган.

Эндиликда, дастлабки эшитув босқичида жиноят ишларини бирлаштириш ҳамда ажратиш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибасига юзланадиган бўлсак, АҚШда жиноят ишларини бирлаштириш (joinder) ва ажратиш (severance) жараёни судьянинг ваколатига киради. Жиноят ишини бирлаштириш (ажратиш) суднинг самарадорлигини ошириш ва қонунийликни таъминлаш учун муҳим аҳамиятга эга. Яъни, бир неча иш бир-бири билан боғлиқ бўлган ҳолатларда, улар бирлаштирилиши мумкин⁴³. Масалан, АҚШда бир неча шахс бир хил жиноят содир этган бўлса, иш бир суд жараёнида кўрилиши мумкин. Агар бирлаштириш айбланувчиларга ёки суд жараёнига салбий таъсир кўрсатса, ишлар ажратилиши мумкин⁴⁴.

Буюк Британияда агар бир неча ишлар ўзаро боғлиқ бўлса, улар бирлаштирилади. Бу бир суд жараёнида кўпроқ айловларни кўришга имкон беради. Айrim ҳолатларда, агар айбланувчиларнинг манфаатлари тўқнашса ёки бирлаштирилган иш адолатли суд муҳокамасига халал берса, ишлар ажратилади⁴⁵.

³⁹ Meyer-Goßner, H. (2018). "Strafprozessordnung: Mit GVG und EMRK." 61. Auflage. Beck Verlag, p. 314-316.

⁴⁰ Hodgson, J. (2005). "French Criminal Justice: A Comparative Account of the Investigation and Prosecution of Crime in France." Hart Publishing, p. 205-208.

⁴¹ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. [электрон ресурс], қаралган вақти 06.09.2024 й. <https://www.lex.uz>

⁴² Жиноят ишлари бўйича судлар томонидан 2021-2023 йиллар давомида кўрилган дастлабки эшитувлар туғрисидаги маълумот. Олий суди раиси ўринбосарининг 02.02.2024 йилдаги 07/13-1048-75-сонли алоқа хати.

⁴³ LaFave, W.R., Israel, J.H., King, N.J., & Kerr, O.S. (2015). "Criminal Procedure." 5th Edition. West Academic Publishing, p. 834-840.

⁴⁴ Dressler, J., & Thomas, G.C. (2019). "Criminal Procedure: Principles, Policies, and Perspectives." 6th Edition. West Academic Publishing, p. 896-903.

⁴⁵ Ormerod, D., & Laird, K. (2015). "Smith, Hogan, and Ormerod's Criminal Law." 14th Edition. Oxford University Press, p. 410-413.



Германияда агар бир нечта жиноят ишлари ўзаро боғлиқ бўлса ёки жиноят ишида бир-бирига таъсир кўрсатадиган далиллар мавжуд бўлса бирлаштирилиши мумкин⁴⁶.

Номақбул далилларни ишдан чиқариб ташлаш тўғрисида тарафлардан бирининг илтимоси мавжуд бўлса, ушбу далилларни чиқариб ташлаш.

Статистик маълумотларга қараганда, амалдаги ЖПКнинг 405³-модда, 2-қисми, 5-банди яъни **номақбул далилларни чиқариб ташлаш бўйича** 2021 йилда 20 та иш бўйича (35 та шахс), 2022 йилда 17 та иш (22 та шахс), 2023 йилда 16 та иш бўйича 26 нафар шахсга нисбатан судлар томонидан ажримлар чиқарилган⁴⁷.

Дастлабки эшитув босқичида номақбул далилларни ишдан чиқариб ташлаш масаласи жиноят процессуал қонунчилигида муҳим аҳамият касб этиб, бу айбланувчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва адолатли суд жараёнини таъминлашга хизмат қиласди.

Амалдаги ЖПКнинг 405¹¹-моддасига кўра, айбланувчи, ҳимоячи ва давлат айбловчиси жиноят иши материалларидағи ҳар қандай далилни, агар уларни номақбул далиллар деб ҳисобласа, чиқариб ташлаш тўғрисида илтимоснома беришга ҳақли эканлиги, илтимоснома жиноят иши судга айблов далолатномаси ёки айблов билан бирга юборилганидан кейин, айблов далолатномасининг ёки айблов хулосасининг қўчирма нусхаси олинган кундан эътиборан уч сутка ичидан берилиши мумкинлиги қайд этилган⁴⁸. Жумладан, илтимосноманинг қўчирма нусхаси айблов далолатномасини ёки айблов хулосасини тасдиқлаган прокурорга, шунингдек, жабрланувчига илтимоснома судга тақдим этилган кунда юборилади.

Миллий қонунчилигимизда номақбул далилларни жиноят ишидан чиқариб ташлаш ҳақидаги илтимосномада:

- *тараф чиқариб ташланишини илтимос қилаётган далил;*
- *далилни номақбул деб топиш ва чиқариб ташлаш учун Жиноят-процессуал кодексида назарда тутилган асослар баён этилиши лозим.*

Дастлабки эшитув босқичида номақбул далилларни ишдан чиқариб ташлаш тўғрисида илмий манбаларда бир қатор қарашлар илгари сурилган.

Г.М.Резникнинг таъкидлашича, “далилнинг номақбул деб топилиши нафақат унинг ноқонуний манбадан олинганида, балки фуқароларнинг қонуний ҳуқуқларининг жиддий бузилишига олиб келган ҳолларда ҳам бўлиши керак⁴⁹. Мазкур фикрга қўшилиш мумкин. Сабаби, “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги Олий суди Пленумининг Қарорига кўра, мақбул бўлмаган далиллар юридик кучга эга бўлмай, улардан ЖПК 82-84-моддаларида назарда тутилган ҳолатларни исботлаш учун фойдаланиш ҳамда уларни айблов асосига қўйиш мумкин эмас.

⁴⁶ Meyer-Goßner, H. (2018). “Strafprozessordnung: Mit GVG und EMRK.” 61. Auflage. Beck Verlag, p. 354-357.

⁴⁷ Жиноят ишлари бўйича судлар томонидан 2021-2023 йиллар давомида кўрилган дастлабки эшитувлар тўғрисидаги маълумот. Олий суди раиси ўринбосарининг 02.02.2024 йилдаги 07/13-1048-75-сонли алоқа хати.

⁴⁸ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. [Электрон ресурс], қаралган вақти 04.08.2024 йил. <https://www.lex.uz/docs/163629>

⁴⁹ Резник Г.М. Внутреннее убеждение при оценке доказательств. М., 1977. С. 27.



Э.А.Долянинг фикрича, “агар далилни олишда қонун талаблари бузилмаган бўлса, далилни номақбул деб ҳисоблаш баҳсли бўлиб туюлади⁵⁰. Билдирилган фикрга қўшилиш мумкин. Сабаби, далиллар мақбуллигининг шартлари яъни, далил тегишли субъект томонидан процессуал қоидаларга қатъий риоя этилган ҳолда ЖПК 81-моддасининг иккинчи қисмида қайд этилган манбалардан олинган бўлса мақбул ҳисобланади⁵¹.

Д.Симмонс⁵² ҳамда Л.Фридманнинг фикрича, дастлабки эшитув босқичида номақбул далилларни ишдан чиқариб ташлаш айбланувчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг асосий воситаси ҳисобланади⁵³. Билдирилган фикрга қисман қўшилмаймиз. Сабаби, дастлабки эшитув босқичида далил доим ҳам номақбул деб топилмаслиги ва бу айбланувчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилмаслиги мумкин. Бунга жабрланувчи ёки гувоҳларнинг айбланувчига қарши берган кўрсатувлари ёки бошқа далилларни мисол тариқасида келтириш мумкин.

Ж.Лангбейннинг фикрича, дастлабки эшитув босқичида номақбул далилларни истисно қилиш қонун устуворлигини таъминлашда муҳим бўлса-да, айрим ҳолларда бу жиноят ишларининг самарали текширилишига тўсқинлик қилиши мумкин⁵⁴. Мазкур фикрга қисман қўшилиш мумкин. Сабаби, номақбул далилларни жиноят ишидан чиқариб ташлаш қонун устуворлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этса-да, амалиётда ушбу ҳолатнинг салбий жиҳатларига ҳам дуч келиш мумкин. Яъни, ҳуқуқни қўллаш амалиётида номақбул далилларни жиноят ишидан чиқариб ташлаш бази ҳолларда жиноят ишларининг самарали текширилишига тўсқинлик қилиши мумкин. Масалан, айбланувчининг қилмишида жиноят таркиби тўлиқ мавжуд бўлган ҳолатда жиноят иши бўйича далилларни олишда процессуал хатоларга йўл қўйилиши натижасида далилларни жиноят ишидан чиқариб ташланиши исботлаш жараёнини қийинлаштириши мумкин.

П.Касселнинг фикрича, номақбул далилларни истисно қилиш қоидаси баъзи ҳолларда суд жараёнининг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади, чунки бу амалиёт далилларнинг асосий қисми истисно қилиниши натижасидаadolатли қарор чиқаришга тўсқинлик қилиши мумкин⁵⁵. Билдирилган фикрга қисман қўшилиш мумкин. Сабаби, жиноят ишида номақбул деб топилган далиллар баъзан умумий суд муҳокамасида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Чунки, амалдаги ЖПКнинг 405¹¹-моддасининг 6-қисмига кўра, ишни мазмунан кўриш давомида илгари номақбул деб топилган ва чиқариб ташланган далилни мақбул деб топиш масаласи тарафларнинг илтимосномасига асосан кўриб чиқилиши мумкин. Бундан келиб чиқиб фикр юритиш

⁵⁰ Научно-практический комментарий к УПК РФ 1 Под общ. ред В. М. Лебедева. М., 2002. с. 166.

⁵¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг Қарори. “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”. Тошкент ш., 2018 йил 24 август, 24-сон.

⁵² Симмонс, Д. *Criminal Evidence: Principles and Cases*. 7th ed., Cengage Learning, 2018, pp. 221-222.

⁵³ Фридман, Л. *The Logic of Law: A Structural Approach to Legal Reasoning*. 3rd ed., Harvard University Press, 2015, p. 143.

⁵⁴ Лангбейн, Ж. *The Origins of Adversary Criminal Trial*. 2nd ed., Oxford University Press, 2003, p. 235.

⁵⁵ Кассел, П. *Criminal Justice: The Limits of Exclusionary Rules*. 1st ed., Cambridge University Press, 2014, pp. 112-113.



мумкинки, дастлабки эшитув босқичида далилни номақбул деб топишда ишга синчковлик билан ёндашилмаслик оқибатлари келгусидаadolатли қарор қабул қилишда қийинчиликларни юзага келтириши мумкин. Түғри, дастлабки эшитув босқичининг мақсади жинят ишиниadolатли ва тезкор ҳал этиш, лекин, номақбул далилларни истисно қилиш баъзан суд жараёнини мураккаблаштириши мумкин. Чунки, номақбул деб топилган далилларнинг ўрнини янги далиллар эгаллаши ва қўшимча суд тергов ҳаракатлари ўтказилишини тақозо этиши табиий. Олим ўзининг юқоридаги фикри билан суд жараёнидаги олтин мувозанатни кўрсатиб берган десак бўлади. Яъни, бир томондан, қонун устуворлигини таъминлаш мақсадида номақбул далилларни жиноят ишидан чиқариш қоидаси зарур бўлса, бошқа томондан, мазкур қоида суд жараёнининг самарадорлигига ҳамда суд томониданadolатли қарор чиқарилишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Түғри, далилни жиноят иши материалларидан чиқариб ташлаш масаласини судья ҳал қилади, у дастлабки эшитув босқичида тарафларнинг барча далилларини баҳолайди, зарурат бўлса, гувоҳларни кўрсатма бериш учун чақириб, жиноят иши материалларини текширади ва далилни чиқариб ташлаш ҳақидаги илтимосни қаноатлантириш ёки рад этиш тўғрисида хуносага келади. Бироқ, амалдаги ЖПКда илгари номақбул деб топилган ва чиқариб ташланган далилни мақбул деб топиш масаласи процессуал жиҳатдан тартибга солинмаган. Фикримизча, қонунчиликда дастлабки эшитув босқичида номақбул деб топилган ва чиқариб ташланган далилни мақбул деб топиш тартиб-таомилларини қатъий белгилаш мақсадга мувофиқдир.

П.Девлиннинг фикрича, дастлабки эшитув босқичида далилларни истисно қилиш айrim ҳоллардаadolатни таъминлаш ўрнига, аслида қонунийликни бузган шахсларнинг жазодан қутулишига сабаб бўлиши мумкин⁵⁶. Олимнинг ушбу фикрларига қисман қўшилмаймиз. Түғри, ҳуқуқни қўллаш амалиётида процессуал хато ва камчиликларга йўл қўйилиши мумкин. Лекин, дастлабки эшитув босқичида суд ҳужжати нисбатан тарафларнинг эътирози мавжуд бўлган ҳолларда хусусий шикоят (прокурор хусусий протест) қилиниши мумкин. Масалан, амалдаги ЖПКнинг 405¹⁵-моддасига кўра, судьянинг ажрими устидан у чиқарилган кундан эътиборан етмиш икки соат ичida апелляция тартибида хусусий шикоят, хусусий протест берилиши мумкинлиги қайд этилган.

Бундан ташқари, амалдаги ЖПКга кўра, номақбул далилларни чиқариб ташлаш бўйича дастлабки эшитув ўтказиш ташаббускорлари фақатгина **тарафлар** ҳисобланади. Яъни, тарафларнинг илтимосномалари мавжуд бўлган ҳоллардагина дастлабки эшитув ўтказишга асос бўлади. Судьянинг ўзи эса мустақил равища дастлабки эшитув ўтказиш ташаббусига эга эмас. Бизнингча, мазкур қоидаларни такомиллаштириш ҳам мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Юқоридаларга асосан, дастлабки эшитув натижаларига кўра, судья томонидан қуйидаги ажримлардан бири қабул қилинади ёки рад этилади:

- 1) жиноят иши бўйича иш юритишни тўхтатиб туриш ҳақида;

⁵⁶ Девлин, П. *Judges and the Law*. 3rd ed., Oxford University Press, 1981, p. 168.



2) жиноят иши бўйича иш юритишни тугатиш ҳақида;

3) жиноят ишини айблов далолатномасини, айблов хуносасини ёки тиббий йўсингидаги мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаган прокурорга юбориш ҳақида;

4) жиноят ишларини бирлаштириш ёки ажратиш ҳақида;

5) номақбул далилларни ишдан чиқариб ташлаш тўғрисида.

Бундай ажримлар бир-биридан ажратилган бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз мазмуни бўйича асосий ва мустақил аҳамиятга эга. Дастребаки эшитув асосларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, судья тарафлар илтимосига биноан ёки ўз ташаббуси билан дастребаки эшитувни тайинлаш тўғрисидаги ажримда кўрсатилмаган шахсларни гувоҳ сифатида чақиришга ҳақли.

Юқоридагиларга кўра, дастребаки эшитув босқичи жиноят процессининг адолатли ва қонуний тарзда ўтказилишини таъминлаш учун муҳим аҳамият касб этади. Дастребаки эшитув ўтказишнинг процессуал асослари қонунийлик ва адолат тамойилларига таянади, бу эса суд жараёнининг ишончлилиги ва холислигини таъминлашга хизмат қиласди.

Дастребаки эшитув ўтказишнинг процессуал асосларининг ўзига хос хусусиятлари сифатида қуидагиларни келтириб ўтиш мумкин.

Биринчидан, ушбу босқичда етарли(мақбул) далиллар мавжудлиги аниқланади;

Иккинчидан, дастребаки эшитув босқичида жиноят ишларининг кейинги тақдири қисқа муддатларда ҳал этилади;

Учинчидан, манфатдор шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш имконияти яратилади, дастребаки тергов ёки суриштирув босқичида шахс ҳуқуқлари бузилган ёки эътиборга олинмаган бўлса, айнан дастребаки эшитув босқичида қонун устуворлиги таъминланади;

Тўртинчидан, дастребаки эшитувда процессуал муддатлар сабабсиз чўзилишининг олди олинади.